



JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN

journal homepage:
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>



TRADITIONAL CARPETS OF THE LIVESTOCK POPULATION OF THE NURATA OASIS IN LATE XIX - BEGINNING OF XX CENTURY

(Based on the analysis of historical and ethnographic materials)

Khayriddin A. Berdiev

Senior Lecturer, PhD.

Tashkent State Technical University

Uzbekistan

bxa_68@mail.ru

Ravshan S. Tashmurodov

Senior Lecturer

Tashkent State Technical University

Uzbekistan

t.ravshan@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Nurata oasis, crafts, traditional, ethnos, ethno-local, carpet weaving, cattle breeding, people, lifestyle, textiles, scientists, specialist, heritage, attitude.

Received: 04.01.22

Accepted: 10.01.22

Published: 29.01.22

Abstract: The article is devoted to the specific types of traditional carpet weaving in the Nurata oasis and the research conducted by scientists to study them. The features of the traditions of carpet weaving, transmitted from ancestors to generations, the state of the carpet weaving traditions of the Nurata oasis, as well as historical and ethnographic features are studied. Attention is paid to the traditions of carpet weaving, which occupies a worthy place in the lifestyle of the oasis population, and the historical and ethnographic description of some types of carpets that have survived in the oasis to this day. Described attention to the production of types of carpets and proposals in this regard. In general, some aspects of the art of carpet weaving, which played a key role in the traditional crafts of the Turkmen, tom, palace and Uzbeks, Kazakhs, Tajiks, who have been living in the Nurata oasis for many years, are highlighted. After all, carpet weaving, which is the oldest traditional textile industry of mankind, has always had its own ethno-local features. A special place in this is occupied by the Nurata oasis, one of the historical and cultural regions of Uzbekistan.

**XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА НУРОТА ВОҲАСИ ЧОРВАДОР
АҲОЛИСИНИНГ АҶАНАВИЙ ГИЛАМДЎЗЛИГИ**
(Тарихий –этнографик материаллар таҳлили асосида)

Хайриddин А. Бердиев

Катта ўқитувчи, PhD.

Тошкент давлат техникауниверситети

Ўзбекистон

bxa_68@mail.ru

Равшан С. Ташимуродов

Катта ўқитувчи

Тошкент давлат техникауниверситети

Ўзбекистон

t.ravshan@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Нурота воҳаси, хунармандчилик, анъанавий, этнос, этнолокал, гиламдўзлик, чорвадор аҳоли, халқ, турмуш тарзи, тўқимачилик, олимлар, мутахассис, мерос, муносабат.

Аннотация: Мақола хунармандчиликнинг анъанавий гиламдўзлик турининг Нурота воҳасига хос турлари ва уларни ўрганиш бўйича олимларнинг олиб борган тадқиқотларига бағишиланган. Унда гиламдўзлик анъаналарининг , ажодлардан авлодларга ўтиб келаётган хусусиятлари, Нурота воҳаси гиламдўзлик анъана-ларининг ҳолати ҳамда тарихий-этнографик хусусиятлари ўрганилган. Воҳа аҳолиси турмуш тарзида муносиб ўрин тутган гиламдўзлик анъаналарига эътибор қаратилиб, воҳада ҳозирги қунга қадар сақланиб қолган айрим гилам турларига тарихий-этнографик жиҳатдан таъриф берилган. Гиламчилик турлари ишлаб чиқарилишига бўлган эътибор ва бу борада таклифлар баён қилинган. Умуман, унда Нурота воҳасида узоқ йиллар мобайнида истиқомат қилган воҳанинг туркман, тома, сарой ҳамда ўзбек, қозоқ, тоҷиклар томонидан анъанавий хунармандчиликда асосий ўрин тутган гиламдўзлик санъатининг айрим жиҳатларини ёритилган. Зоро, инсониятнинг қадимги анъанавий тўқимачилик соҳаси бўлган гиламдўзлик барча даврларда ўзига хос этнолокал хусусиятларга эга бўлиб келган. Бунда Ўзбекистоннинг тарихий-маданий минтақаларидан бири Нурота воҳаси алоҳида ўрин эгаллайди.

ТАДИЦИОННОЕ КОВРАТКАЧЕСТВО ЖИВОТНОВОДЧЕСКОГО
НАСЕЛЕНИЯ НУРАТИНСКОГО ОАЗИСА В
КОНЦЕ XIX –НАЧАЛО XX ВЕКА

(На основе анализа историко-этнографических материалов)

Хайридин А. Бердиев

Старший преподаватель, PhD.

Ташкентский государственный технический университет

Узбекистан

bxa_68@mail.ru

Равшан С. Ташмуродов

Старший преподаватель

Ташкентский государственный технический университет

Узбекистан

t.ravshan@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Нурагинский оазис, ремесла, традиционное, этнос, этнолокальный, ковроткачество, скотоводство, народ, образ жизни, текстиль, ученые, специалист, наследие, отношение.

Аннотация: Статья посвящена специфическим видам традиционного ковроткачества в Нурагинском оазисе и исследованиям, проведенным учеными по их изучению. Изучаются особенности традиций ковроткачества, передающиеся от предков к поколениям, состояние ковроткаческих традиций Нурагинского оазиса, а также историко-этнографические особенности. Уделено внимание традициям ковроткачества, занимающим достойное место в образе жизни населения оазиса, и историко-этнографическому описанию некоторых видов ковров, сохранившихся в оазисе до наших дней. Описаны внимание к производству видов ковров и предложения по этому поводу. В целом освещаются некоторые аспекты искусства ковроткачества, сыгравшего ключевую роль в традиционных промыслах туркмен, тома, дворцовых и узбеков, казахов, таджиков, на протяжении многих лет проживающих в Нурагинском оазисе. Ведь ковроткачество, являющееся древнейшей традиционной текстильной отраслью человечества, всегда имело свои этнолокальные особенности. Особое место в этом занимает Нурагинский оазис, один из историко-культурных регионов Узбекистана.

Кириш /Введение /Intpoduction:

Азалдан Марказий Осиё халқлари турмуш тарзида ҳунармандчилик соҳасининг кўплаб турлари шаклланган ва улар маҳаллий халқлар турмуш тарзида алоҳида ўринга эга бўлган. Булар қаторида дурадгорлик, темирчилик, ёғочсозлик, кулолчилик, каштачилик, тақинчоқлар ясаш каби ҳунармандчилик турлари муҳим ўрин тутган. Тўқимачилик йўналишида эса гилам тўқиши ва каштачиликнинг маҳаллий халқларга хос намуналари яратилиб, уларда ўша халқларнинг турмуш тарзи, дунёқараши ҳамда миллий тафаккури акс этган. Улар узоқ йиллар мобайнида асрлардан асрларга ўтиб, ранг баранг шаклда, турли ўлчамларда аждодлардан авлодларга етказилган. Айниқса, хўжалик ҳаётида чорвачилик асосий ўрин тутувчи халқлар ҳаётида гиламдўзлик анчагина тараққий этиб, унда ўзига хос мактаблар шаклланган. Бу эса анаъанавий ҳунармандчиликнинг гиламдўзлик санъати ўзининг узоқ тарихий-этнографик хусусиятларига эга эканлигини тасдиқлади.

Ана шундай тарихий-маданий минтақалардан бири Нурота воҳаси бўлиб, тадқиқотларга кўра Нурота тоғ тизмаси ён бағрларида яшаган ўзбек ва тожик этносларининг гилам тўқиши анъаналари алоҳида ажralиб турганлигини ва миллий композицияни ташкил этган. Агарда уларнинг ўрганилиш тарихига эътибор қаратилса, XX аср 40-йиллари ўрталаригача улар яхши ўрганилмаганлигини ва Ўрта Осиё гиламлари хусусида рус ва хорижий адабиётларда бу ҳақда маълумотлар кам учрашини тасдиқлади. Анъанавий ҳунармандчиликдаги тўқимачилик соҳаси гарчи собиқ Иттифоқ даврида “эскилик сарқити”, деб қаралган бўлса-да, бугунги кунга келиб илмий асосга эга бўлган долзарб муаммога айланди ҳамда ушбу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу борада айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан имзоланган 2017 йил 17 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5242-сон Фармони[1. <https://president.uz/uz/>] халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни назарда тутувчи муҳим норматив-хуқуқий хужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Зоро, ҳунармандчиликнинг барча турларини асрраб авайлаш, ишлаб чиқариш анъаналарини мукаммал ўрганиш, моддий ва ашёвий манбаларга асосланиб халқ амалий санъати намуналарини тиклаш ва келажак авлодларга етказиш муҳим ўринга эга.

Асосий қисм /Основная часть /Main part: Республикаизнинг тарихий-этнографик минтақаларидан бири бўлган Нурота воҳаси азалдан турли этносларнинг ўзаро этномаданий алоқалари, ассимиляциялашуви учун ўзига хос этномулоқот ҳудуди бўлганлиги, бундай ўзаро муносабатлар ҳудуд аҳолисининг анъанавий машғулотларида, хусусан чорвадор аҳоли моддий маданияти айниқса, аёлларнинг гилам тўқиши анъаналарида яхши сақланганлигини

кўришимиз мумкин. Нурота воҳасида азалдан яратилган хунармандчилик маҳсулотлари, айниқса гиламлар ўзининг бетакрор шакллари ва безаклари билан бошқа ҳудудлардан ажралиб турган.

Муаммонинг ўрганилишига эътибор қаратилса, тадқиқотларга кўра, XIX аср охир - XX асрда Нурота воҳаси анъанавий хунармандчилиги тарихини ўрганишга бағишлиланган барча материалларни уч гурухга ажратиш мумкин:

- 1) Россия империяси даврида чоп этилган адабиётлар;
- 2) Совет даврида яратилган адабиётлар;
- 3) Ўзбекистон мустақиллиги йилларида олиб борилган тадқиқотлар.

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин мустамлака ҳудудини мукаммал ўрганиш мақсадида бир қатор илмий экспедициялар уюштирилганлиги тарихдан аён. Улар орасида олимлар ҳам бўлиб, улар қаторида Д.Н.Логофет, Н.В.Хаников, Н.А. Маев, А.Д.Гребенкинлар Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро амирлиги шаҳарлари, бозорлари, аҳолисининг этник таркиби, кийим-кечаклари, машғулотлари тўғрисида муҳим маълумотларни келтириб ўтганлар. [2, – 245]. Бундан ташқари А.Бёрнс, А.П.Федченко, П.И. Небольсин, П.И. Пашино, А.Вамбери, Н.Ф. Петровский, М. Бекчурин, Е.К. Мейндорф, А.Кун, Л.Ф.Костенко, К.К.Пален, В.И.Масальский ва бошқалар томонидан чоп эттирилган асарларда ҳам хунармадчиликнинг айrim соҳалари ўрин олган. Улар орасида А. Семёновнинг «Бухоро манғитлари тарихи» номли мақоласида ушбу амирликнинг хўжалик ҳаётида муҳим ўрин тутган бир қанча хунармадчиликнинг гиламчилик турига тегишли маълумотлар учрайди[3,– С. 58.].

Советлар давридаги тадқиқотларда гилам тўқиши билан боғлиқ машғулот турларига алоҳида олинган минтақалар доирасида эътибор қаратилмаган бўлсада, қатор олимлар, жумладан И.Краузе, Н.Е.Симаков, В.К.Розводский, А.А. Фелькерзам, М.С.Андреев, М.Ф. Гаврилов, А.А.Семёнов, В.Г.Мошкова каби тадқиқотчилар томонидан ёзилган маълумотларда Марказий Осиё халқарининг муҳим машғулотларидан бири бўлган тўқимачилик ва унга ёндош касб турлари, ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этган хунармандчилик уюшмалари тўғрисидаги айrim фикр-мулоҳазалар жамланган. Уларда қисман бўлсада, Нурота гиламдўзлигига оид айrim маълумотлар ҳам учрайди.

Агарда мазкур ҳудуднинг тарихий-этнографик манзарасига эътибор қаратилса, минтақа азалдан маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада бир қанча маҳаллий олимлар ва мутахассислар воҳада қатор изланишлар олиб борган бўлиб, улар айниқса мустақиллик йилларида янада кенгайганлигини пайқашимиз мумкин. Масалан воҳа аҳолисининг этник таркиби, жамоавий турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти, аёллар тақинчоқлари, аҳоли манзилгоҳларининг топонимик ва

этнотопонимик хусусиятлари каби масалалар Х.Бердиев, Ф.Толипов, Г.Юлдашева, Ў.Орипов, Т.Салимов, А.П.Шевяков, А.Тоғаев, каби олимлар томонидан ўрганилган. Тадқиқотлардан кўзланган мақсад Нурота воҳаси аҳолиси тарихи, этнографик хусусиятлари у ёки бу тарза тадқиқ этилган бўлсада, воҳада анъанавий ҳунармандчиликнинг гиламдўзлик анъаналари алоҳида илмий тадқиқот обьекти сифатида тарихий-этнографик жиҳатдан ҳали ўрганилмаганлигини тасдиқлади.

Аmmo ўрганилаётган масаланинг тарихшунсолигига эътибор қаратилса, мустақиллик йилларида амалга оширилган илмий ишлар қаторида бевосита Нурота воҳасига тааллуқли воҳа аёлларининг анъанавий кийим- кечаклари ва тақинчоқлари масаласи этнолог олима Г.К.Юлдашева томонидан алоҳида диссертация тадқиқоти сифатида ўрганилган бўлсада, гиламдўзлик анъаналарига қисман эътибор қаратиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Унда муаллиф аёлларнинг анъанавий кийим-кечаклари ва тақинчоқларини дала этнографик маълумотлари асосида тадқиқ этади[4, – 21 с.]. Муаллиф ўз ишида воҳа аҳолисининг этник таркиби, хўжалик турмуш тарзи каби масалаларга ҳам баъзи ўринларда тўхталиб ўтган.

Этнолог олим Ф. Толипов ҳам Нурота воҳаси жамоа анъаналари ва минтақа аҳолиси турмуш тарзи ҳақида тадқиқотлар олиб борара экан, ҳунармандчиликнинг воҳага хос турлари, айниқса гилма тўқиши, каштачилик анъаналари, XX аср бошларига келиб капиталистик муносабатлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнларнинг мазкур соҳаларга таъсири, қишлоқ аёлларининг коҳоз ишларига жалб этилиши натижасида уй ҳунармандчилигининг айrim турларининг қисқариши хусусида маълумотлар бериб ўтган. Энг асосийси мазкур машғулот турларининг этник ва локал жиҳатлари ва айrim тарнсформацион жараёнлар дала маълумотлари ва илмий адабиётлар таҳлили орқали воҳанинг Гараша қишлоғи мисолида ёритишга ҳаракат қилинган [6. 2008] Т.ф.н X. Бердиев эса воҳада жойлашган аҳоли манзилгоҳлари, хусусан жой номлари, яъни тарихий топонимијасининг таҳлилини тарихий нуқтаи назардан ўргангандиги эътиборга молиқдир [7.2019].

Дарҳақиқат, гиламдўзлик соҳаси аҳолининг азалдан турмуш тарзида тўшама маҳсулот тури сифатида дастлаб, ибтидоий жамоа даврида тери, ҳайвон журнлари, ўсимлик (қамиш ёки буйра) шаклида инсонларнинг дам олиши, ҳордик чиқариши учун мўлжалланган буюм шаклида пайдо бўлган. Бундай тўқимачилик буюмлари дастлаб ҳар бир натурал хўжалик эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилган. Янада тўғрироқ қилиб айтганда, гиламдўзлик тор хўжалик доирасида чуқур илдиз отган илк ҳунармандчилик шаклидир. Бугунги кунгача гиламдўзик ва тўқимачилик буюм ҳамда безак турларини ўргангандиги тадқиқотчилар маълумотларига кўра, у Кавказ, Олд Осиё (Эрон, Туркия, Миср) ва Марказий Осиёнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолиси турмуш тарзи билан узвий алоқадорлик маҳсули

сифатида шаклланган. Бу борада П.Ф.Приображенский таъкидлаб ўтганидек, “Асосий вазифа тарихий манбалар асосида йирик маданий мажмуаларни қиёсий ўрганиш, уларнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатларини аниқлашга қаратилиши керак” Асрлар ўтиши билан давлатчилик куртаклари ёйила бориши, ижтимоий-иктисодий хўжалик турлари ҳаётда тўшама буюм жиҳози ва анча маданийлашган гиламчилик маҳсулотларига эҳтиёжнинг нисбатан ортиши ушбу тармоқнинг янада ривожланишига сабаб бўлган. Яъни, чорвадор аҳоли учун асосий хом ашё бўлган жунни йигириш ва қайта ишлаш орқали – бу маҳсулот ҳақиқий гиламдўзлик касбига айланди”[8.– Б. 29-30.].

Агарда ўтмишга назар ташланса, мамлакатимизнинг қадимги тарихий–этнографик минтақалари саналган Зарафшон, Сурхон воҳалари, Фарғона водийси, Хоразм ва Тошкент воҳаларидаги қадимги шаҳарларда ўзига хос ҳунармандчилик мактаблари бўлганлиги маълум. Нурота воҳаси чорвадор аҳолиси ҳаётида гилам тўқиши анъаналарининг мавжудлигини тасдиқловчи манбаларда, воҳанинг асосий аҳолиси XIX аср охири-XX аср бошларига оид манбаларда “Нурота туркманлари” номи билан тилга олинади. 1928-1929 йилларда Г.Мошкова ҳукумат топшириғи билан палос ишлаб чиқариш артелларини таъсис этилиши бўйича экспедиция ходими сифатида гилам тўқиши билан шуғулланувчи туркман уруғлари яшаётган ҳудудларда тадқиқотлар олиб борган [9.– С. 135-158, 238]. Муаллиф ташриф буюрган ҳудудлардан бири Нурота воҳаси бўлиб, унинг уқдиришича, воҳада ўша пайтларда бошқа ўзбек қавмлари - бурқут, найман, турк, митан, қорақалпоқ ва қозоқлар сон жиҳатдан туркманлардан камроқ бўлган. Минтақада бир неча қишлоқларни ташкил қилган қозоқ уруғлари билан бир қаторда узоқ йиллардан буён ушбу ерларда яшаган бошқа ўзбек гурухлари ҳам мавжуд бўлган. Улардан бири томалар бўлиб, (улар Зулмкориз, Кўнасарой қишлоқларида яшаган) гилам тўқиши ва уни бозорларга олиб чиқиб сотиш ва айрибошлишда ном қозонгандар. Улар орасида бўхча, гажама, палос, кигиз, хўржинлар тўқиши алоҳида ўрин тутган. (1-расм)



1-расм. Ўзбек тома уруғи гиламдўzlари томонидан тайёрланган хўржун

Бу борада тадқиқотчи В.Г.Мошкова ўз асарларида А.Д. Гребенкин, И.И.Зарубин, М.С. Андреевларнинг маълумотларига таяниб, XIX аср туркманларнинг қозоёкли, бўгажалли, қонжиғали, ойтамғали уруғлари ўзларини туркманларнинг “така” уруғига мансуб бўлганлиги туркман уруғларининг миллий ўзига хослиги, айниқса гиламчилик, каштачилик санъати асори атиқаларига катта қизиқиш билан муносабатда бўлганлигини ёzádi. Муаллифнинг фикрича, ушбу уруғларнинг моддий маданийтида ва қундалик ҳаётида айниқса Нурота гиламлари муҳим ўрин тутади, деб ёzádi. [10, - С. 135-158, 238. Унинг уқдиришича, Нурота гиламлари воҳада яшовчи “олти ота туркман” ва “беш ота мангишлов” туркманлардан ташқари найман, туёқли, тукман, юз, қирқ, сарой каби бир қанча уруғларига кирувчи аҳоли ҳам тайёрланган.

Ҳатто Нурота гиламлари сифат жиҳатдан Андижон, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ва Амударё қуйи оқими ўзбеклари томонидан ишлаб чиқарилган гиламлардан яхши ва анча безакдор бўлганлигини қайд этади. Жиззах ва Нурота воҳаси гиламдўzlари томонидан жунли тўшалмалар узун бўйли “жульхирс” ёки “жувараки”, унча катта ўлчамга эга бўлмаган калта патли гиламлар, патсиз гиламлардан “коҳма”, шолча ва олачалар тўқилган. Бундан ташқари бу ерда деворга ўрнатишга мўлжалланган безакли “қиз гилам”лари, чорвадорларнинг “бўхжома” лари, ўтовларнинг сирт қисмига осиб ёки илиб қўйиладиган “қур”, “басқур”, патли гилам, патсиз “терма гилам” ёки “коҳма” ва шу каби турли буюмлар ишлатилган тўрва (кичик қопча) халталар – (“напрамач”, “хўржун”– йўл халта) лардан иборат бўлган. (2-расм)



2-расм. Жўш қишлоғидаги патли гилам (фотосурат 2019 йил)

Аждодлардан авлодларга мерос тарзда ўтиб келган мазкур моддий маданият турининг ривожланиши XIX аср охирларида Нурота воҳасининг ўзбек-туркман уруғига мансуб аёлларнинг гилам тўкиш машғулоти тажрибалари оша бошлаганлигини тасдиқлайди. Туб жой аҳолининг айрим қатламлари учун гилам тўкиш қўшимча даромад манбаига айланган, яъни улар ўз гиламларини бозорларда сотганлар ва ўз оиласарини шу орқали боққанлар. Ҳатто, жундан тўқилган патли ва патсиз гиламлар Самарқанд ва Бухородаги бозорларга олиб борилган. Уларни асосан ўзбек ва тожиклар сотиб олишган. Нурота гиламларини Самарқанд аҳолиси уйларида, чойхоналарда ишлатишиб, мазкур турдаги маҳсулотларни Митандан то Самарқандгача бўлган худудларда жойлашган кўплаб дехқон уйларида учратиш мумкин бўлган. Гилам сотувчиларнинг сўзларига кўра, кўплаб Нурота гиламлари XX аср бошларида, хусусан XX аср 20-30 йилларида ҳам Самарқанд гилам бозорларига олиб бориб сотилган. Маҳаллий савдо расталарида улар Нуротанинг "оқ тов" гиламлари номи билан машҳур бўлган. Самарқанд вилояти бозорларида Нурота гиламлари нуфузи айниқса биринчи жаҳон урушигача бўлган даврларда бир мунча кўпайган.

Нуротанинг Қоратош (Оқтоғнинг Зарафшон воҳасига туташ қисмида жойлашган) жанубий қисмидаги савдогарлар ва қозоқ бойлари гиламлар сотиб олиниб, чайқовчилар уларни қиммат баҳода пуллаб, ўз даромадларини оширганлар[11, – С. 68.]. Аммо биринчи жаҳон уруши ва Россиядаги фуқаролар урушининг оғир йилларида ушбу ҳудудда гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли даражада пасайган. Жун ва бўёқларнинг этишмаслиги, маҳсулотларнинг эркин сотилиш имконияти йўқлиги ушбу ҳудудда гилам ишлаб чиқаришни секинлашишига сабаб бўлган. Айниқса XX аср 30-40-йилларда қишлоқларда патли гилам тўқувчи аёллар сони камайиб борган, Бу борада В.Г.Мошкова

Нурота туркманлари турмуш тарзи билан чуқурроқ танишиш учун кўплаб хонадонларда бўлғанлигини ёзib қолдирган. Бу ерда катта ёшдаги аёллар (камида 40 ёш) патли гилам тўқиши билан машғул бўлғанликларини ўз асарларида қайд этганлиги эътиборга моликдир.

Хулоса /Выводы /Conclusion: Нурота воҳси аҳолисиининг гилам тўқиши анъаналари узоқ вақт давомида шаклланган этномаданият маҳсули бўлиб, бир вақтнинг ўзида ушбу худудда яшаган аҳолининг ижодкорлигининг натижаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Шубҳасиз, Нурота тоғ тизмаси атрофларида яшаган аҳолининг гилам тўқиши урфодатларида нафакат воҳанингўзбек халқи, балки бошқа халқлар маданиятида ҳам ўз ифодасини топганлигини ҳам кўриш мумкин. Умуман, гиламдўзлик анъаналарининг ажодлардан авлодларга ўтиб келаётган хусусиятлари, бу борада Нурота туркманлари чорвадор аҳолисиининг гилам тўқиши анъаналари ва уларнинг умумий ва этнолокал хусусиятлари ўзига хос моддий маданият компоненти сифатида алоҳида ўринга эга эканлигини, уларни алоҳида олинган мавзу сифатида ўрганиш эса муҳим аҳамият касб этишини тасдқилади. Шу боисдан мазкур мақолада ёритилаётган масаланинг долзарбдлиги нуқтаи назаридан қўйидаги таклифларни бериб ўтиш мақсадаг мувофиқ:

Биринчидан, маҳаллий аҳолининг гилам тўқиши анъаналарини сақлаш ва келажак авлодларга етказиш нуқтаи назаридан худудларда алоҳида гиламчилик мактаблари очиш ва уларга ёшларни тобора кўпроқ жалб этиш;

Иккинчидан, республикада ушбу соҳани янада такомиллаштириш, Нурота тоғ тизмаси аҳолиси анаъанавий моддий маданиятининг қатор тармоқларини гилам тўқиши анъаналари билан биргалиқда мувофиқлаштириш, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш;

Учинчидан, бугунги кунда маҳаллий саноатда замонавий типдаги гиламларга эҳтиёж кундан-кунга ортиб бораётган бир шароитда қўлда тўқилган гилам ва палосларга эҳтиёж эса йўқолиб бормоқда. Шу боис давлат аҳамияти даражасида уларни сақлаб қолиш чораларини кўриш, бу борада зарур норматив-хуқуқий базани шакллантириш, ривожлантириш, зарур бўлса халқаро алоқалар кўламида миллий гиламдўзлик анъаналарини халқаро бренд даражасига олиб чиқиш муҳим ўрин тутади.

Адабиётлар /Литература /References

- 1.<https://president.uz/uz/lists/view/1255>(<https://president.uz/uz/lists/view/1255>).
2. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русскими протекторатом. т. 1,2 – СПб. 1911. – 245 с. – 208 с.(Logofet D.N. In the mountains and on the plains of Bukhara: (essays of Central Asia) / DN Logofet. - St. Petersburg: V. Berezovsky's edition, 1913. - VII,245 p; 2. Russia-Uzbekistan: from the history of relationships (collection) 208 p.)

3. Н.В.Хаников Описание Бухарского ханства. – СПб. 1843 – С. 58.(N.V. Khanikov opisanie Bukharskogo khanstva (Description of the Bukhara Khanate). - SPb., 1843 - PP. 58.)
4. Юлдашева Г.К. Традиционная одежда и украшения женщин Нуратинской долины (конец XIX – начало XX века).: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Т., 1995. – 21 с.(Yuldasheva G.K. Traditional clothes and jewelry of women of the Nurata Valley (late 19th - early 20th century) .: Author's abstract. dis ... cand. History. Sciences. – T., 1995. - 21 p.)
5. Толипов Ф. Мозийга бўйлашган маскан (Гараша қишлоғи ҳақида тарихий-этнографик рисола. Т., 2008. // Tolipov F. The settlement adjacent to Mazi (Historical and ethnographic pamphlet about Garasha village. T., 2008.
6. Бердиев Х. Нурота воҳаси топонимларининг тарихий таҳлили. // Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. Т. 2019. // Berdiev X. Historical analysis of toponyms of Nurata oasis. // Written dissertation for the degree of Candidate of Historical Sciences. Abstracts. T. 2019.
7. Пардаев Т.Хунармандчилик анъаналари// Moziydan sado 2. (58).2013 – Б. 29-30.(Pardaev T. Traditions of handicrafts // Moziydan sado 2. (58). 2013 - PP. 29-30.)
9. Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии конца XIX – начало XX вв. Материалы экспедиций 1929-1945 гг. –Ташкент, Фан, 1970. – С. 135-158, 238.(Moshkova V.G. Carpets of the peoples of Central Asia of the late 19th - early 20th centuries. Materials of expeditions 1929-1945 - Tashkent, Fan, 1970. - PP. 135-158, 238.)
10. Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии конца XIX – начало XX вв. Материалы экспедиций 1929-1945 гг. –Ташкент, Фан, 1970. – С. 135-158, 238.(Moshkova V.G. Carpets of the peoples of Central Asia of the late 19th - early 20th centuries. Materials of expeditions 1929-1945 - Tashkent, Fan, 1970. - PP. 135-158, 238.)
11. Семёнов А. История Бухарских мангитов.// Бюллетен. САГУ. Вып. 4. – Ташкент, 1924. – С. 46.(Semyonov A. History of Bukhara mangits. // Bulletin. SAGU. Issue 4. - Tashkent, 1924. - PP. 46.)